

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2026, № 4 (16)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2026

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Иляс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхуджаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холикулов Ахмад Баймахаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлевич
Сиёсий фанлари доктори (DSc)., доцент
Бизнес ва тадбиркорлик Олий мактаби

Гаффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети
Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Бахранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Алиназарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холикулова Шахноза Боймухамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Америка технологиялар университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)., доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1	Akbarov Ravshan Xalimovich JADIDLAR MA'RIFATCHILIK FAOLIYATINI YOYISHDA "TARJIMON" GAZETASINING O'RNI	4
2	Ахрарова Амалия Искандеровна ЭВОЛЮЦИЯ ФОРМАТОВ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И ЯПОНИИ: СТАНОВЛЕНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ РЕГИОНАЛЬНОГО ДИАЛОГА	14
3	Бахранов Шерзад Таштурсунович ЎЗБЕКИСТОН ССР САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКА ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН	27
4	Israilov Nodir Raximjonovich XVI ASR FRANSUZ SHARQSHUNOSLARI ASARLARIDA AMIR TEMUR HAYOTI VA DAVLATCHILIK FAOLIYATINING TADQIQ ETILISHI	39
5	Kandaxarov Anvarjon Xasanovich BUXORO XONLIGIDA JO'YBOR XOJALARINING IQTISODIY QUDRATI: SHAKLLANISH OMILLARI VA IJTIMOY-SIYOSIY TA'SIRI	45
6	Mamajonov Soyibjon Xalilovich AMIR TEMUR VA TO'XTAMISHXON MUNOSABATLARI YOZEF FON XAMMER-PURGSHTAL TALQINIDA	52
7	Mahkamova Zulxumor Murodjon qizi TURKISTON ASSRNING SOLIQ SIYOSATI TARIXIDA KADRLAR TARKIBINING AKS ETISHI	58
8	Mirzayeva Zaxra Xayritdinovna KO'RGAZMA ORTIDAGI IMPERIYA: KAUFMAN DAVRIDA TURKISTONDA MUSTAMLAKACHILIK SIYOSATINING NAMOYON BO'LISHI	64
9	Normurodov Dilmurod Raxmatullayevich TO'SKENT VOHASINING QADIMGI VA RIVOJLANGAN ORTA ASRLAR DAVRI TARIXI VA MADANIYATIGA OID YOZMA MANBALAR XUSUSIDA	71
10	Nuridinov Turdali Qambarovich., Haydaraliyev Xushnud Muso-zoda QO'QON XONLIGIDA AHOLINING OMMAVIY ISHLARGA JALB ETILISHI TARIXSHUNOSLIGI	85
11	Nuridinov Turdali Qambarovich., Haydaraliyev Xushnud Muso-zoda QO'QON XONLIGI-XITOIY O'RTASIDAGI DIPLOMATIK ALOQALAR XORIJIY TADQIQOTCHILAR TALQINIDA	90
12	Raxmankulova Matluba Bayxurazovna XX ASR BOSHLARIDA G'ARBDA TEMURIYLAR KITOBAT SAN'ATINING O'RGANILISHI	96
13	Razzokova Nigora Olimjon kizi INCLUSIVE EDUCATION PRACTICES AND THEIR IMPACT ON LINGUISTICALLY DIVERSE LEARNERS IN MULTICULTURAL CLASSROOMS	107
14	Sadirov Aziz Sirojiddinovich MUSTAQILLIK ARAFASIDA QASHQADARYO VILOYATIDA YO'L TRANSPORT INFRAUZILMASINING SHAKLLANISH VA RIVOJLANISH JARAYONLARI	113
15	Сидди́ков Равша́н Бердимуратович ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ХАЛҚАРОЛАШУВИ ТАРИХИГА ДОИР (1997-2016)	120

Сиддиков Р. Б.

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси доценти., т.ф.н.

Ўзбекистон Миллий университети

ravsidd@mail.ru**ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ
ХАЛҚАРОЛАШУВИ ТАРИХИГА ДОИР (1997-2016)****АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида Ўзбекистон олий таълим тизимида халқаро алоқаларни йўлга қўйилиши ва уни ривожланиб бориши жараёнлари таҳлил қилинган. Шунингдек олий таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини халқаролашувини ўзига хос жиҳатлари ва босқичлари кўрсатилган. Ўзбекистонда хорижий университетлар филиалларининг миллий кадрлар тайёрлашдаги иштироки ва халқаро ташкилотлар билан бу борадаги ҳамкорликни қиралари ёритилган.

Калит сўзлар: Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, олий таълим, халқаро ҳамкорлик, «Умид» жамғармаси, «Устоз» жамғармаси, «Истеъдод» жамғармаси, глобаллашув, халқаролашув, интеграция, олий таълим сифати.

КИРИШ

Ўзбекистон таълим тизимини барча бўғинларини ислоҳ қилиш ва узлуксиз таълим тизимини шакллантиришга қаратилган Таълим тўғрисидаги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини 1997 йилда қабул қилиниш олий таълим тизимида халқаро алоқаларни ривожлантиришда ҳамда жаҳон стандартларига мос замонавий олий таълим тизимини шакллантиришда янги даврни бошлаб берди. Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширишни муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Авваламбор, дастурга асосан юқори малакали кадрлар тайёрлашда халқаро ҳамкорликни устивор йўналишларига эътибор қаратилди ва хорижий тажрибани ўрганиш, илмий-педагогик кадрлар, талабалар алмашувини кенгайтириш, Ўзбекистон таълим тизимига чет эл инвестицияларини бевосита ва билвосита кенг жалб қилиш борасидаги фаолиятни кучайтириш вазифаси қўйилди. Шунингдек, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий базасини яратишга киришилди [1].

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимини шакллантиришда ва юқори малакали кадрлар тайёрлашда хорижий илғор тажрибани аҳамиятини инобатга олиб ҳамда “халқ хўжалигининг устувор тармоқлари учун юксак малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида” 1997 йили 7 январда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг “Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисида” Фармони эълон қилинди [2]. Ушбу фармоннинг аҳамиятли жиҳати

шундан иборатки, давлат ва жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб иқтидорли ёшларнинг жаҳон андозалари талаблари даражасидаги илғор билимлар асосида таҳсил олишлари, юқори малакали мутахассис бўлиб етишишларига моддий-маънавий ҳомийлик қилишни давлат ўз зиммасига олди. Шунингдек фармонга биноан илк бор «Умид» жамғармаси томонидан дастлабки иқтидорли талабалар танлов асосида саралаб олиниб 1997-1998 ўқув йилида Ўзбекистон ижтимоий ва иқтисодий жабҳалари учун зарур бўлган, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган устивор мутахассисликлар – иқтисодиёт, халқаро ҳуқуқ, ахборот ва компьютерлаштириш, табиий фанлар, қишлоқ хўжалиги, экология ва сув тизимлари, журналистика мутахассисликлари бўйича хорижда нуфузли университетларда бакалаврият ва магистратурада ўқишга жунатилди. Танловда нафақат пойтахт ОЎЮлари шунингдек вилоят университетлари СамДу, ФарДу, НамДу ва бошқа олий ўқув юртлари ҳам фаол иштирок этдилар. Масалан 1997-1999 ўқув йилларида СамДу талабаларининг 11 нафари «Умид» жамғармаси танлови ғолиблари сифатида хорижга етакчи университетларга ўқишга юборилди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки «Умид» жамғармаси танловларида Ўзбекистон Миллий университети талабалари ҳам фаол қатнашдилар. 1999 йилда университетнинг 130 талабаси 8 йўналиш бўйича танловда иштирок этиб, 5 та йўналиш бўйича 14 та талаба АҚШ, Англия ва Германияни етакчи олийгоҳларида ўқиш имкониятига эга бўлдилар [3].

1998-1999 ўқув йилида «Умид» жамғармаси томонидан хорижда ўқиш учун олдинги йилга нисбатан анча кўп грант ўринлари ва маблағ, яъни квота бўйича 400 киши ва 12 млн 700 минг доллар ажратилди. Танловда қатнашган 1800 нафар талабгордан 317 нафари синовдан муваффақиятли ўтди ва 173 нафари дунёни етакчи университетларида бакалавриятда ҳамда 144 нафари магистратурада ўқишга тавсия этилди. Уларни 176 нафари АҚШга, 78 нафари Буюк Британияга, 32 нафари Германияга, 13 нафари Францияга, 11 нафари Японияга ва 7 нафари Италияга ўқишга тақсимланди [4].

Истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларга кўмаклашиш, уларнинг қобилиятлари ва истеъдодларини ривожлантириш бўйича махсус жамғармаларнинг самарали фаолияти натижасида 1999 йилга келиб 643 нафар иқтидорли талабалар хорижга жўнатилди [5]. Мамлакатни олий малакали, жаҳон андозаларига жавоб берадиган мутахассисларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб асосий эътибор инвестициялар ва қиммат баҳо қоғозлар, халқаро тижорат ва молия ҳуқуқи, қишлоқ хўжалигини ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш, экология ва сув ресурсларини бошқариш, машинасозлик ҳамда қурилиш менежменти соҳаларига кадрлар тайёрлашга қаратилди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, хорижда ўқишга саралаб олинган талабаларнинг 1997 йилда 60 фоизи вилоятлар вакилларидан иборат бўлган бўлса, 1998 йилда улар 69 фоизини ташкил қилди. Айни пайтда танлаб олинган талабаларнинг қарийб 10 фоизини қизлар, 96,8 фоизини маҳаллий миллат вакиллари (300 нафар ўзбеклар) ва (7 нафар қорақалпоқлар) қолган 3,2 фоизини давлат тилини мукаммал эгаллаган рус, татар ҳамда корейслар миллати вакиллари ташкил қилди [6].

Хорижга ўқишга жунатилган талабаларни дастлабки 73 нафари Ўзбекистон эҳтиёжлари учун зарур бўлган соҳаларни мукаммал эгаллаб 1999 йилда ватанга қайтдилар ва турли соҳаларда ўз фаолиятларини бошладилар [7].

Умуман олганда «Умид» жамғармаси кўмагида 1997-2003 йиллар давомида саралаб олинган 828 нафар йигит-қизлар дунёни тараққий этган давлатлари етакчи университетларида тахсил олдилар [8]. Шу жумладан, 363 (44%) нафар бакалавр ва 465 (56%) нафар магистр. Давлатлар кесимида хорижга ўқишга юборилган талабаларни тақсимланашига эътибор қаратсак, Америка Қўшма Штатларига 343, Буюк Британияга 329, Германияга 84, Францияга 33, Японияга 20, Канадага 11 ҳамда Италияга 8 нафар грант совриндорлари ОТМ ва илмий марказларга жўнатилди [9]. Юқорида таъкидлаганимиздек, танловда Жаҳон Иқтисодиёти ва дипломатия университети (242 нафар), Тошкент Давлат техника университети (127 нафар), Тошкент Давлат иқтисодиёт университети (84 нафар), вилоят ОЎЮларидан Фарғона Давлат университети (27 нафар), Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти (18 нафар), Самарқанд Давлат университети (15 нафар) ва бошқа олийгоҳлар талабалари грант совриндорлари бўлдилар [10]. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибтики «Умид» жамғармаси танловида асосан Республикани етакчи университетлари талабалари грант соҳиби бўлдилар. Айни пайтда, Жанубий вилоятлар, Бухаро, Навоий, Жиззах, Сирдарё худудлари ОТМлари талабалари юқори натижа кўрсата олмадилар [11].

«Умид» жамғармаси фаолияти давомида маълум муаммолар ҳам юзага келди, хорижга жўнатилган талабаларни барчаси ҳам ўқишни тугатиб объектив ва субъектив сабабларга кўра ўз вақтида Ўзбекистонга қайтмади. Уларни баъзилари кейинги босқичда ўқишни давом этириш учун хорижда қолган бўлса бошқалари юқори маош ва ўз соҳалари бўйича яхши иш шароити таклиф қилингани учун хорижда қолишни афзал кўрдилар. «Умид» жамғармаси совриндори 1998-2000 йилларда АҚШнинг Йель университетида тахсил олган, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Шерзод Шерматов ўзининг ўқув йилларидаги хотиралари ва жамғарма фаолияти ҳақидаги интервьюсида Ватанга қайтган баъзи грат соҳибларини ишга тўғри тақсимланмаганлиги оқибатлари тўғрисида шундай дейди “Кўплаб «Умид»чилар асосан хизматлари тақсимланган жойларида ўзларини намоён қилиш имкониятини топа олмаганликлари сабаб давлат хизматини тарк этишди. Ҳа, кейин давлат хизматидаги иш ҳақи жуда паст эди, иш тартиби жуда қийин эди, агар раҳбар билан муносабат яхши бўлиб, ривожланиш имконияти бўлганида эди кам ойлик ва оғир ишга ҳам чидаса бўларди...” [12]. Бундай аҳволдан хабар топган айрим бакалавр ва магистрлар ўз фаолиятларини хорижда қолиб давом этирдилар. 2003 йилда 560 дан зиёд грант совриндорларини аксарияти ўқишни муваффақиятли тамомлаб ватанга қайтилар ва махсус ишчи гуруҳининг қарорига биноан мамлакатнинг 80 дан ортиқ ташкилотларига ишга тақсимландилар [13].

Маълумки таълим тизимидаги ислохотларни самарали бўлиши ҳамда тайёрланаётган кадрларни салоҳияти, сифати ва компетентлик даражаси авваламбор илмий-педагогик кадрларни қай даражада замон талабларига мослиги билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов Олий Мажлиси 1997 йил 29 августда бўлиб ўтган IX сессиясида сўзлаган нутқида “Етук савияли домлаларни тайёрлаш бўйича махсус бир фонд ташкил этиш керак. Биз шу фонд орқали домлаларни, Ўзбекистон профессорларини чет мамлакатларга юбориб, малакасини ошириб келишига имконият яратишимиз керак” [14] деган таклифни берган эди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилингандан кейин биринчи навбатда, олий таълим муассасалари профессор-педагог ходимлари сафидан етук ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, уларнинг ривожланган хорижий мамлакатлар таълимидаги ижобий тажрибаларни ўрганиши, ўқитишнинг янги педагогик технологиялари билан танишиши ва чет элларда тажриба орттиришини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Устоз» Республика жамғармаси фаолиятини таъминлаш тўғрисида Қарори қабул қилинган ва “Устоз” нотижорат хайрия жамғармаси ташкил этилди [15].

Ўзбекистон ОЎЮларида профессор-ўқитувчиларни танловлари «Устоз» республика жамғармаси низомига асосан, биринчи босқич Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва барча ҳокимликлари ҳамкорлигида ташкил этилган жойлардаги танлов комиссиялари томонидан ва иккинчи босқич «Устоз» жамғармаси ҳузуридаги марказий танлов комиссияси томонидан амалга оширилди ва соҳалар йўналишлари бўйича ҳамда чет тили бўйича синов-суҳбатлар шаклида ташкил этилди. Дастлабки 400 нафардан ортиқ грант совриндорлари 1998-2000 йилларда Англия, Германия, АҚШ, Канада, Франция, Жанубий Корея давлатларининг 25 етакчи университетлари ва илмий марказларида малака оширишга сазовор бўлди [16]. «Устоз» жамғармаси фаолияти даврида жами 935 нафар ўқитувчи ва тадқиқотчилар 29 та устивор йўналишлар бўйича хорижни нуфузли университетларида илғор тажрибани ўзлаштириб Ўзбекистонга қайтдилар [17].

Кейинги йилларда Ўзбекистон олий таълим тизимини халқаролашуви олдинги йиллардан фарқли ўлароқ, асосан хорижий олий ўқув юртларини филиалларини таъсис этиш ва таълим миграцияси оқимини ўсиб бориши билан боғлиқ бўлди. Талабаларни ва профессор ўқитувчиларни давлат томонидан хорижга марказлашган тарзда грант асосида ўқишга жунатиш 2003 -2016 йилларда анча камайди.

2003 йил 1 июлидаги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг Фармонида мувофиқ “Умид” ва “Устоз” жамғармалари бирлаштирилиб, “Истеъдод жамғармаси ташкил этилди. Жамғармага ёш иқтидорли педагогик кадрларни танлов орқали аниқлаб, етакчи чет эл илмий марказлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида уларни интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш вазифаси юкланди [18]. Жамғарма кўмагида республика таълим муассасаларига халқаро миқёсда тан олинган олий ўқув юртларининг етакчи профессорлари таклиф этилиб, таълимнинг устувор йўналишлари бўйича

маърузалар ўқилди, хорижда малака ошириш ва ҳамкорликда илмий изланишлар олиб бориш учун истикболли ўқитувчиларни танлаб олинди. “Истеъдод” жамғармаси томонидан маҳаллий ва хорижий таълим муассасалари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари иштирокида ишлаб чиқаришга университет илм-фан ва таълимини интеграция лойиҳалари учун мўлжалланган умумий қиймати 1.5 млн. евро миқдорида хорижий инвестицияларни жалб қилинди [19]. Шунингдек, жамғарма гратлари асосида 800 нафардан ошiq ёш педагог ва илмий ходимлар чет элда ўз малакаларини оширишга мувофақ бўлдилар [20]. “Истеъдод” жамғармасини 14 йиллик фаолияти даврида профессор – ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малака оширишлари учун қарийб 12 млрд сум сарф харажат қилинди [21].

2003–2016 йиллар давомида Ўзбекистон олий таълим тизимида халқаро ҳамкорлик ва уни халқаролашуви Европа Иттифоқи дастурлари ҳамда бошқа ривожланган хорижий давлатлар хомийлигида қуйидаги йўналишларда ривожланди.

- Қўшма олий таълим муассасаларини ташкил этиш;
- Республика олий ўқув юртларида ўқув жараёнига хорижий ўқитувчи ва олимларни жалб этиш;
- Академик мобилликга (ҳаракатчанлик) кўмаклашиш;
- Қўшма илмий-тадқиқот фаолиятини олиб боришга кўмаклашиш;
- Олий таълим соҳасидаги таълим, инновацион технологиялар, ресурслар ва энергияни тежаш долзарб масалалари бўйича халқаро конференциялар ташкил этиш;
- Олий таълимга хорижий инвестицияларни жалб қилиш.

Шу давр мобайнида Ўзбекистон олий таълим тизимини халқаролашуви ҳамда профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг мобиллиги Европа Иттифоқи Tempus - Tacis, Erasmus Mundus, Erasmus + лойиҳалари, Fulbright Student АҚШ, (DAAD) Германия, Буюк Британияни Chievening Program дастури, ҳамда Япония (JICA), Жанубий Корея (KOICA), Франция, Хитой, Испания, Россия Федерацияси ҳукуматлари томонидан молиялаштирилган дастурлар кўмагида амалга оширилди [22].

Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасидаги олий таълимни ислоҳ қилишдаги ҳамкорлик дастлаб 1994 йилдан бошлаб TEMPUS/TACIS* лойиҳалари асосида йўлга қўйилган эди. Tempus дастури Ўзбекистонда ўтган давр мобайнида 80 дан ортиқ университетлараро ҳамкорлик лойиҳалари молиялаштирилди. Tempus дастури халқаро миқёсда уч йиллик интенсив университетлараро ҳамкорлик учун асос бўлган ягона дастур бўлиб, Ўзбекистонда олий таълимнинг умумий халқаролашувига сезиларли таъсир кўрсатди. Tempus дастури, айниқса, 1997 йилда “Таълим тўғрисида” ги янги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинган пайтдан бошлаб, мамлакатда таълим ислохотларини қўллаб-қувватлашнинг кучли ва самарали воситаси бўлиб хизмат қилди. Дастур кейинги йилларда янада долзарб бўлиб қолди, чунки Tempus лойиҳалари 2011-2012 йилларда Ўзбекистон олий таълим тизимини модернизация қилиш бўйича қабул қилинган ҳукумат қарорларини амалга оширишга ёрдам берди [23].

Европа Иттифоқининг яна бир «Erasmus Mundus» дастури Ўзбекистон олий таълим тизимини янада ривожланишига ва уни дунё таълим маконига интеграциялашувига ўзини хиссасини қўшди. Ўзбекистон олий таълим муассасалари 2004 йилдан бошлаб «Erasmus Mundus» дастурида иштирок эта бошлади. «Erasmus Mundus» юқори даражадаги интеграциялашган қўшма магистрлик халқаро ўқув дастури бўлиб у олий таълим муассасаларида сифатни яхшилаш, инновацияларни жорий қилиш ва халқаролаштиришга кўмаклашиш мақсадида олий ўқув юртларининг халқаро консорциуми томонидан амалга оширилди. Ўзбекистон университетлари иштирокидаги 25 та «Erasmus Mundus» ҳамкор дастурлари доирасида 200 га яқин ўқитувчи ва ва магистрлар Европа ҳамкор университетларида ўқиш учун мобиллик грантларига эга бўлди [24].

2007 йилдан бошлаб Европа Иттифоқининг янги Erasmus + дастури доирасида Ўзбекистон олий ўқув юртларининг фаол иштироки давом этди. Erasmus + дастурининг (CBHE), Capacity Building in Higher Education - Олий таълимда салоҳиятни ошириш лойиҳа таклифларининг биринчи танлови натижаларига кўра, Ўзбекистон учун пойтахтдаги 12 та университет ва республиканинг барча ҳудудларидан 13 та университет иштирокида 14 та янги лойиҳа танлаб олинди. Лойиҳалар миллий малака асослари масалаларини ҳал қилиш, математик муҳандислик бўйича фанлараро магистрлик дастурини яратиш, АКТ асосида ядро физикаси бўйича магистрлик дастурини ишлаб чиқиш ва ОЎЮларда тиббий таълимни модернизация қилишга ёрдам берди. Шунингдек Erasmus + лойиҳалари олий таълим муассасаларини модернизация қилиш, халқаро миқёсда интеграциялашувни таъминлаш ва олий таълим билан қамровни кенгайтиришга қаратилди [25].

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда йигирмадан ортиқ халқаро ташкилотлар ва давлатлар Ўзбекистон таълим соҳасига ташқи ёрдам кўрсатди. Энг йирик донор Япония халқаро ҳамкорлик банки бўлиб, унинг ташқи ёрдам умумий ҳажмидаги улуши 61,6 фоизни ташкил этди. Иккинчи йирик донор Осиё тараққиёт банки (25.3%), ундан кейин Япония ҳукумати (3.2%), Ҳиндистон ҳукумати (2.1%), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар жамғармаси (UNICEF) (1.6%), Германия тараққиёт банки (KFW), Европа комиссияси дастури (TEMPUS) ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги Ўзбекистон таълим тизимини қўллаб қувватлашга ўз хиссаларини қўшдилар [26]. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки 2000-2007 йилларда Ўзбекистон ўзлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишга қарийб бир миллиарддан кўпроқ ташқи ёрдам кўрсатилган бўлса, олий таълим тизимини ривожлантиришга сарфланган харажат 43 млн 738551 минг долларни ва умумий ёрдамни атиги 4,19 фоизи ташкил қилди [27].

Ўзбекистон юқори малакали кадрлар тайёрлашда дунёда нуфузи ва иқтисодий қудрати ошиб бораётган ҳамда мамлакат иқтисодиётига энг йирик инвестициялар киритаётган Хитой Халқ Республикаси билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор берди. ХХР Халқ таълими вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус

таълим вазирлиги ўртасида 8 ноябр 1999 йилда имзоланган шартномага мувофиқ ҳар йили талабалар, аспирант ва ўқитувчилар Хитойнинг нуфузли университетларига стажировка ўташ учун юборилди. 2005 йилда Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ҳамда Хитойнинг Ланьчжоу университети ҳамкорлигида ташкил қилинган Тошкентдаги Конфуций номидаги Хитой тили ва маданияти институтида ҳар йили 350 дан зиёд тингловчи тахсил олди. Институт ташкил қилинганидан буён курсларда 2,5 мингдан зиёд талаба ёшлар, илмий ходимлар ва тижоратчилар хитой тили ва маданиятини ўргандилар [28]. 2014 йилнинг декабрь ойида икки давлат томонидан 2013 йилда имзоланган шартномага биноан Самарқандда яна бир Конфуций институти ўз фаолиятини бошлади. Ушбу масканда юқори малакали педагоглар замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда дастлабки 400 га яқин ёшларга хитойлик мутахассислар билан ҳамкорликда хитой тилини ўргатишни бошладилар [29]. 2014 йил 3 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Тошкент Давлат Шарқшунослик институти таркибида Хитойшунослик факультетини ташкил этиш тўғрисида Қарори қабул қилинди [30]. Қарорга биноан 2014-2015 ўқув йилида Хитойшунослик факультети бакалаврият йўналиши хитой филологиясига –34 нафар, жаҳон сиёсати – 25 нафар, мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик – 25 нафар талаба қабул қилинди. Барча йўналишларда замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда илғор ўқитиш усуллари жорий этиш асосида Хитой тарихи, маданияти, сиёсати ва иқтисодиёти соҳасида чуқур билимларга эга бўлган ва хитой тилини эркин биладиган юқори малакали хитойшунос мутахассисларни тайёрлаш бошлаб юборилди. Юқори малакали кадрларни тайёрлашда факультетни ўқув жараёни ва илмий –методик ишларини ташкил қилиш унинг моддий – техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар ва талабаларнинг чет эллардаги олий таълим муассасаларида стажировкадан ўтишлари учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан маблағ ажратилди [31].

Ўзбекистонда олий таълимни халқаролашуви жараёнлари ва талабаларнинг мобиллиги 2003- 2016 йилларда юқорида таъкидланганидек турли сиёсий-мафкуравий ва иқтисодий омиллар таъсирида бўлганлиги натижасида анча суствлашди. Тошкентда 1999-йил 16 февралда ташқи кучлар томонидан амалга оширилган террорчилик ҳаракати ва 2005 йил май ойидаги Андижон воқеалари ҳам озми - кўпми олий таълим соҳасида халқаро алоқаларни ривожланишига ўз салбий таъсирини кўрсатди [32]. Айнан шу даврда бир қатор халқаро ва хорижий донор ташкилотлар (Peace Corps, IREX, ACCELS, American Councils ва бош.) Ўзбекистондаги фаолиятини тўхтатди ёки лицензиялари муддати тугаганидан кейин мамлакатни тарк этди [33].

Маълум сабабларга кўра Ўзбекистон олий таълим соҳасидаги ташқи алоқалар анча қисқарган бўлишига қарамасдан тизимни халқаролашуви жараёнлари тўхтаб қолгани йўқ. Мамлакат иқтисодиётидаги ижобий ўзгаришлар ва ташқи маданий – маърифий алоқаларни нафақат МДХ

давлатлари билан ривожланиб кенгайиб бориши ёшларни чет элда билим олишлари учун қулай имкониятларни яратди, натижада янги тенденция, таълим миграцияси йилдан-йилга ўсиб борди. Шунинг билан керакки, 2000-йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси талабалари миграцияси йилдан йилга ўсиб борди. ЮНЕСКО статистика институти маълумотларига кўра, Олий таълим олиш учун хорижга кетаётган ўзбекистонлик талабалар сони 2000 йилдан 2016 йилгача бўлган даврда 3,5 баравар кўпайиб, 30 минга яқин кишига етди [34]. Ўзбекистонлик хорижда ўқиётган талабаларни қарийб учдан икки қисми Россия Федерациясида қолганлари Қозоғистон, Украина, Жанубий Корея, Латвия ва бошқа давлатларда таълим олди [35]. Шу даврда ҳукумат ва университетлар томонидан расмий марказлашган ҳолда талабаларни хорижга ўқишга жунатиш деярли тўхтаб қолган бўлсада, кўплаб ўзбекистонлик ёшлар мустақил равишда дунёни ривожланган давлатларида тахсил олдилар. Масалан Америка Қўшма Штатларининг Халқаро таълим институтини (Institute of International Education) маърузасига кўра 2007-2008 ўқув йилида 539 нафар ўзбекистонлик талаба АҚШнинг колледж ва университетларида тахсил олган бўлса, 2008 - 2009 ўқув йилида уларни сони 688 нафарни ташкил қилди. Бу барча Марказий Осиё мамлакатлари орасида ўша пайтдаги қайд этилган энг юқори кўрсаткич ҳисобланади [36].

Ўзбекистон олий таълим тизимининг глобаллашуви талабларига мослаштириш, соҳани халқаролашуви имкониятлари чекланган бир пайтда мамлакатга хорижий университетларни жалб қилиш ва улар билан филиаллар, қўшма факультетлар ҳамда ўқув дастурлари шаклида ҳамкорликни ривожлантириш орқали давом этди. Даставвал 1995 йил 27 июлда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида “Олий таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида” тузилган битимга асосан [37] Ўзбекистонда Россиянинг бир қанча университетларининг филиаллари ташкил қилинди. 1995 йилда Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузурида эксперимент тарзида ташкил этилган ўқув-илмий маркази расмий равишда дастлабки хориж олий ўқув юрти сифатида Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлади [38]. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 сентябрдаги Қарорига биноан ўқув марказга Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали мақоми берилди [39].

Филиал ўз йигирма йиллик фаолияти давомида жаҳон стандарларига мос келадиган юқори малакали уч мингдан ортиқ кадрларни, шу жумладан қарийб икки ярим минг нафар бакалавр ва саккиз юзга яқин магистрларни тайёрлади. Филиалда Ўзбекистон фуқаролари билан бир қаторда Россия Федерацияси, Хитой, Жанубий Корея, Қозоғистон, Озарбайжон, Арманистон, Афғонистон, Исроил, Тожикистон, Қирғизистон ҳамда Туркменистонлик талабалар ҳам тахсил олдилар ва университет қисқа давр ичида халқаро ўқув марказига айланди ва Ўзбекистон олий таълим тизимини халқаролашувига ўз ҳиссасини қўшди [40].

Ўзбекистон ҳукумати хорижда юқори малакали кадрлар тайёрлашда ўтган давр мобайнида ортирилган тажрибадан келиб чиқиб олий маълумотли юқори малакали кадрлар тайёрлашни жаҳон таълим стандартлари талабларига мувофиқ ташкил этиш, валютани тежаш ҳамда илғор хорижий таълим стандартларини бевосита олий таълимга татбиқ қилиш, етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида 2002 йил 16 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига биноан Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети (ТХВУ), Лондон шаҳридаги Вестминстер Университети ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умид” жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил қилинди. «Иқтисодиёт», «Менежмент», «Ахборот технологиялари» ва «Ҳуқуқ» йўналишлари бўйича бакалаврият ва магистратурада мутахассисларни тайёрлаш Халқаро Вестминстер университетининг асосий вазифаси этиб белгиланди [41]. ТХВУ нафақат Ўзбекистонда шунингдек, Марказий Осиёда ташкил қилинган, халқаро тоифадаги аккредитациядан ўтган ривожланган давлатларнинг дастлабки олийгоҳи бўлиб мамлакат олий таълим тизимини халқаролашувига, уни сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтарилишига ва хорижий талабаларни жалб қилишга хизмат қилди [42]. Халқаро Вестминстер университети 2016 йилга қадар 1700 дан ортиқ юқори малакали кадрлар тайёрлади ва ҳозирги кунда улар Ўзбекистоннинг ривожланишига ўз хиссаларини қўшмоқдалар [43].

2005 йил Андижон воқеалари Ўзбекистоннинг барча соҳалардаги халқаро алоқаларига шу жумладан олий таълимни халқаролашувига ўз салбий таъсирини кўрсатди. Натижада маълум давргача бу соҳадаги алоқаларнинг географияси торайиб асосан МДХ ва Осиё давлатлари билан чекланди. Шу даврда Ўзбекистон ҳукумати Россия Федерациясининг етакчи олий ўқув юртлари филиалларини таъсис этишни давом эттирди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг Қарорига биноан 2006 сентябр ойида М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ўз фаолиятини бошлади [44]. МДУ филиалида икки йўналишда, яъни амалий математика ва информатика ҳамда психология соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрланди [45].

Кейинги йилларда ҳам Россия Федерацияси ва Ўзбекистон ўртасидаги олий таълим соҳасидаги кўп қиррали ҳамкорлик янада кенгайди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг 2007 йил 12 январдаги Қарорига биноан И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали таъсис этилди. Филиалда ўқув жараёни И.М. Губкин номидаги РДНГУ томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурлари ҳамда илғор педагогик ва ахборот технологиялари, фан ва олий таълимнинг энг янги ютуқлари асосида ташкил қилинди [46].

Ўзбекистон ҳукумати глобаллашув даврида Осиёни ривожланган давлатлари Хитой, Жанубий Корея, ва Сингапур билан кўп қиррали алоқаларни жумладан олий таълим ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор берди. Дастлаб

Ўзбекистон биринчи Президенти Қарорига биноан Ўзбекистон пойтахти Тошкентда 2008 йил сентябр ойида Сингапур менежментни ривожлантириш институти филиали ташкил қилинди [47]. Қисқа давр ичида институт Марказий Осиёдаги нуфузли хусусий олий ўқув маскани сифатида танилди ва атрофдаги мамлакатлардан ҳам кўплаб талабалар ушбу филиалда таълим олдилар. Филиалнинг 2016 йилга қадар фаолияти даврида бизнес, банк иши ва молия, маркетинг соҳалари учун 1503 нафар юқори малакали кадрлар тайёрланди [48].

Ўзбекистон олий таълим тизимида ривожланган давлатларнинг тажрибасидан кенг фойдаланиш ҳамда жаҳон андозаларига жавоб берадиган, илғор таълим стандартлари даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг Қарорига биноан 2009 йилда Турин политехника университети (Politecnico di Torino) филиали Тошкентда ташкил этилди. Қарорга асосан университетга 2009/2010 ўқув йили учун бакалаврлар тайёрлаш бўйича қабул квотаси 200 киши этиб белгиланди. Янги университетнинг таъсис этилиши маҳаллий профессор-ўқитувчиларни ўқув жараёнига жалб қилиш, улар учун малака ошириш дастури ва ТПУТ таркибида илмий-тадқиқот ва амалий тадқиқотлар олиб борадиган технопарк яратиш ҳамда автомобиллар, автомобил двигателлари, автомобил қисмлари, бутловчи қисмларини лойиҳалаш бўйича тадқиқот натижаларини тадбиқ қилиш, шунингдек архитектура ва саноат дизайнини, энергия тежайдиган технологияларни, маҳаллий хом ашё ва замонавий саноат автоматлаштирилган бошқарув тизимларига асосланган янги турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқиш имконини яратди [49]. Турин политехника университети филиали 2015-2016 ўқув йилида тўлов контракт асосида квота бўйича жами 275 нафар талабани ўқишга қабул қилди.

XXI аср жаҳонда барча соҳаларга жадал суратларда ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни кенг тадбиқ этилиши билан характерланади. Ахборот технологияларини жаҳон таълим маконига таъсири ҳамда масофавий таълимни ривожланиши глобаллашув натижасида янада тезлашди. Ўзбекистонда бу соҳада ривожланган давлатларнинг бой тажрибасидан фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашни халқаро стандартлар даражасида такомиллаштириш, шунингдек илғор хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида 2014 йилда Республика Биринчи Президентининг қарорига асосан Тошкент шаҳрида Инха университети (Корея Республикаси) ташкил этилди [50]. Университетда талабаларни ўқитиш инглиз тилида кундузги шаклда, Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда, Инха университети ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ, кредит тизими асосида ташкил қилинди. Шунингдек 2014–2015 ўқув йилида, университетнинг дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, ахборот тизими ва компьютер тармоқларини

бошқариш мутахассисликларига 150 нафарга яқин талабани тайёрлаш вазифаси юкланди [51].

2015-2016 ўқув йилига келиб Ўзбекистонда 7 та хорижий университетлар филиаллари фаолият олиб борди ва улар мамлакат олий таълим тизимида жаҳон андозаларига мос илғор педагогик технологиялар ва инновацияларни жорий қилинишида ҳамда уни халқаролашувида муҳим рол ўйнади. Лекин шундай бўлсада, хорижий университетлар филиалларда мамлакатдаги барча талабаларнинг бор-йўғи 3 фоизигина таҳсил олди [52]. 1991-2016 йилларда олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик ҳамда уни халқаролашуви чекланган ҳолда ривожланган булишига қарамадан хорижий университетлари филиалларини ташкил қилиниши мамлакат иқтисодиёти учун зарур бўлган юқори малакали кадрларни тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, 1991-2016 йилларда Ўзбекистонда олий таълим соҳасидаги халқаро алоқалар ва уни халқаролашуви жарёнлари бир маромда ривожланмади, ташқи ва ички омиллар таъсир натижасида ўзгариб турди. Бу ўз навбатида Ўзбекистонда олий таълимни халқаролашувига салбий таъсир кўрсатди. Соҳада амалга оширилган ислохотлар ва муайян натижаларга қарамадан, олий таълим тизимида йўналишлар бўйича дунёнинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан самарали ва тизимли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишда сезиларли натижага эришилмади. Хусусан таълим жараёнига илғор хорижий тажрибаларни интеграция қилиш жараёни секин суръатда кечди. Иқтидорли педагог ва илмий кадрларнинг нуфузли хорижий таълим ва илмий муассасаларда стажировка ўташи, малака ошириши бўйича ташкилий ва молиявий механизмлар етарлича ривожланмади. Олий таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг институционал асослари, жумладан, икки томонлама шартномалар асосида қўшма дастурлар ва илмий лойиҳалар сони чекланган бўлганлиги натижасида Ўзбекистон олий таълим тизимини халқаролашув даражаси паст бўлиб, бу таълим сифатига ва тизимга инновацияларни жорий қилишга ҳамда уни жаҳон таълим маконига интеграциялашувига имкон бермади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Таълим фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами: Т., -- 2007. - 32-бет

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисида”ги 1997 йил 7 январдаги ПФ-1694-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/168039>

3. Васиева Д. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда университет таълимининг шаклланиши ва ривожланиши: тажриба ва муаммолар (1991–2001 йй.): Тарих фан. ном. дис.. – Қарши, 2008.-Б.149.

4. ЎЗР ПАА.975-фонд, 26-рўйхат, 426- иш, 111-варақ..

5. “Национальная программа по подготовке кадров: результаты и перспективы реформ “материалы международной научно-практической конференции 15-16 декабря 1999 года.г.Ташкент-2000.,С.144.
6. ЎзР ПАА. 975-фонд, 26-рўйхат, 426- иш, 111-варақ..
7. “Национальная программа по подготовке кадров: результаты и перспективы реформ “Материалы международной научно-практической конференции 15-16 декабря 1999 года. г.Ташкент-2000.,С.144.
8. Нормуродова М. «Умид» - Ватан чироғи//Халқ сўзи.-.2003.-15 фев.
9. «Umid» jamg‘armasi bitiruvchilari anjumani o‘tkaziladi.
<https://www.gazeta.uz/oz/2019/12/04/fund-umid/>
10. Нормуродова М. «Умид» - Ватан чироғи//Халқ сўзи.-.2003.-15 фев.
11. Нормуродова М. «Умид» - Ватан чироғи//Халқ сўзи.-.2003.-15 фев.
12. Шерзод Шерматов — «Умид» жамғармаси ва бошқалар хусусида.<https://daryo.uz/k/2020/01/03/sherzod-shermatov-umid-jamgarmasi-va-boshqalar-xususida/>
13. Нормуродова М. «Умид» - Ватан чироғи//Халқ сўзи.-.2003.-15 фев.
14. Баркамол авлод -Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т.: Шарқ,1997.,Б.12
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Устоз” Республика жамғармаси фаолиятини таъминлаш тўғрисида. 1997 йил 30 декабрь, 576-сон қарори. <https://lex.uz/ru/docs/589172?twolang=true>
16. Имамов Э.З., Сафарова Ш.А., Бутаеров О.С. – «Республика Узбекистан: результаты реформ и дальнейшая стратегия развития высшего образования». Астана: ЮНЕСКО 16 с. [Url:www.unesco.kz/education/he/uzbek/uzbnat_ru.doc](http://www.unesco.kz/education/he/uzbek/uzbnat_ru.doc).
17. Брунер Х.Х., Тиллет Э. Высшее образование в Центральной Азии: задачи модернизации / Отчет Всемирного банка - №68926. Всемирный банк, 2007. С.213.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 июлдаги ПФ-3272-сонли “Истикболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш ва тажриба алмашув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони / <http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lactid=484629>
19. Сиддиқов Р.Б. Ўзбекистон олий таълим тизимида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйилиши ва ривожланиши.ЎЗМУ хабарлари.Ижтимоий фанлар туркуми. 2022,№1/3.Б.32.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси жорий архиви 2013 йил маълумотлари.
21. Руководство Фонда «Истеъдод» сообщило о небывалом росте расходов на проекты 2 августа 2017,<https://podrobno.uz/cat/obchestvo/rukovodstvo-fonda-istedod-soobshchilo-o-nebyvalom-roste-svoikh-raskhodov-na-proekty/>
22. Узбекистан. Обзор системы высшего образование. Февраль 2016 г. Erasmus+.http://eacea.ec.europa.eu/education/Eurydice/eurydia_en..php.С.36
23. Узбекистан. Обзор системы высшего образование. Февраль 2016 г. Erasmus+.http://eacea.ec.europa.eu/education/Eurydice/eurydia_en..php.С.37

24. Ўзбекистон. Обзор системы высшего образование. Февраль 2016 г. Erasmus+. http://eacea.ec.europa.eu/education/Eurydice/eurydice_en.php. С.38
25. Ўзбекистон. Обзор системы высшего образование. Февраль 2016 г. Erasmus+. http://eacea.ec.europa.eu/education/Eurydice/eurydice_en.php. С.38
26. Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги. UNDP – Тошкент, 2007/2008. – Б.152.
27. Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги. UNDP – Тошкент, 2007/2008. – Б.153.
28. Siddiqov R.B. O‘zbekiston – Xitoy madaniy-ma’rifiy aloqalariga oid//Samarqand Davlat universiteti ilmiy axborotnomasi.2016-№2(96) Б.13
29. В Самарканде открыли институт Конфуция. <https://www.uzdaily.uz/ru/v-samarqande-otkryli-institut-konfutsiia/> (Мурожафт этилган сана 03.08.2016)
30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг”Тошкент давлат шарқшунослик институти таркибида хитойшунослик факультетини ташкил этиш тўғрисида” 2014 йил 3 сентябрь, ПҚ-2228-сон Қарори. <https://lex.uz/ru/docs/2456008>
31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг”Тошкент давлат шарқшунослик институти таркибида хитойшунослик факультетини ташкил этиш тўғрисида” 2014 йил 3 сентябрь, ПҚ-2228-сон Қарори. <https://lex.uz/ru/docs/2456008>
32. Ubaydullaeva D. Ideological discourses in post-Soviet Uzbekistan: internationalization of higher education as a threat // Journal of Political Ideologies. 2022. P. 16-18. URL: <https://doi.org/10.1080/13569317.2022.2104996>
33. Турдикулов О. Т. Эволюция политики интернационализации высшего образования Республики Узбекистан (1991–2023 гг.) // Дисс.кан.ист.наук. - Томск, 2025. С. 133.
34. Голомидова П.С. Особенности международной студенческой миграции из Республики Узбекистан в Российскую Федерацию (на примере Северного (Арктического) федерального университета, 2009–2024 Вестник РУДН. Серия: Социология. 2025. Т. 25. № 1. С. 50
35. Кадирова.З. Миграция через образование ведет к “утечке мозгов” // Экономическое обозрение №11 (239) 2019.С.20.
36. Гули Юлдашева. США и Узбекистан – обзор пройденного пути и вопросы будущего 6 февраля, 2017.
37. <https://www.caa-network.org/archives/8342>
38. Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Россия Федерацияси Хукумати ўртасида Олий таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим 1995 йил 27 июл, Тошкент шаҳри. <https://lex.uz/ru/docs/2470236>
39. Абдурахманов.К. 30 лет лидерства в образовании и науке <https://review.uz/post/30-let-liderstva-v-obrazovanii-i-nauke>.
40. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети» олий касб таълими Федерал давлат бюджети таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида 2002 йил 5 сентябрь, 318-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/564330>

41. Сиддиқов Р.Б. Ўзбекистон олий таълим тизимида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйилиши ва ривожланиши. ЎЗМУ хабарлари. Ижтимоий фанлар туркуми. 2022, №1/3., 32-33-бетлар
42. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университетини ташкил этиш тўғрисида 2002 йил 16 январь, 22-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/244795>
43. Нормуродова М. «Умид» - Ватан чироғи//Халқ сўзи.-.2003.-15 фев.
44. Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети ташкил қилинган куни нишонланди. 06.02.2016. <https://kun.uz/kr/news/2016/02/06/toshkent-shahridagi-xalqaro-vestminster-universiteti-tashkil-qilingan-kuni#!> (мурожат қилинган сана 05.06.2025)
45. Ўзбекистон Республикаси Президентининг М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида 2006 йил 24 февраль, ПҚ-290-сон Қарори <https://lex.uz/docs/973643?ONDATE=04.07.2023%2000>
46. Первый выпуск Филиала МГУ в г. Ташкенте 07.12.2010. https://msu.ru/news/novosti-mgu/pervyy_vypusk_filiala_mgu_v_g_tashkente.html (Мурожат этилган сана 14.08.2025)
47. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳрида И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида 2007 йил 12 январь, ПҚ-564-сон Қарори <https://lex.uz/docs/1109075?ONDATE=04.07.2023>
48. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида 2007 йил 5 сентябрь, ПҚ-691-сон Қарори <https://lex.uz/ru/docs/1244063?ondate=09.11.2021%2000>
49. Singapur menejmentni rivojlantirish institutida tantanali bitiruv marosimi o'tkazildi. <https://kun.uz/news/2016/10/26/singapur-menezmentni-rivozlantiris-institutida-tantanali-bitiruv-marosimi-utkazildi>(мурожат этилган сана 19 08.2025)
50. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент шаҳрида Турин политехника университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 2009 йил 27 апрель, ПҚ-1106-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/1476912>
51. О Туринском политехническом университете в Ташкенте. <https://turin.uz/ru/7617-2/> (мурожат этилган сана 20 08.2025)
52. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳрида Инха университети ташкил этиш тўғрисида 2014 йил 24 март, ПҚ-2155-сон Қарори <https://lex.uz/ru/docs/2440275?ONDATE=28.07.2023>

Сиддиқов Р. Б.

К.и.н., доцент кафедры «История Узбекистана»
Национальный университет Узбекистана
ravsidd@mail.ru

К ИСТОРИИ ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗАЦИИ СИСТЕМЫ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА (1997-2016)

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются процессы становления и развития международных связей в системе высшего образования Узбекистана на основе Национальной программы по подготовке кадров, а также специфические особенности и этапы интернационализации высшего образования и системы подготовки кадров. Освещается участие филиалов зарубежных университетов в подготовке отечественных кадров в Узбекистане, а также аспекты сотрудничества с международными организациями в этой области.

Ключевые слова: Национальная программа по подготовке кадров, высшее образование, международное сотрудничество, фонд «Умид», фонд «Устоз», фонд «Истедод», глобализация, интернационализация, интеграция, качество высшего образования.

Siddikov R. B.

PhD., associate professor at the department of «History of Uzbekistan»
National University of Uzbekistan
ravsidd@mail.ru

TO THE HISTORY OF INTERNATIONALIZATION OF THE HIGHER EDUCATION SYSTEM OF UZBEKISTAN (1997-2016)

ABSTRACT

This article analyzes the processes of formation and development of international relations in the higher education system of Uzbekistan on the basis of the National Training Program, as well as the specific features and stages of the internationalization of higher education and the personnel training system. The article highlights the participation of branches of foreign universities in the training of domestic personnel in Uzbekistan, as well as aspects of cooperation with international organizations in this field.

Keywords: National Training Program, higher education, international cooperation, “Umid” Foundation, “Ustoz” Foundation, “Istedod” Foundation, globalization, internationalization, integration, quality of higher education.